

## Пайғамбаримизнинг фитрат, кийим-кечак, ташқи кўриниш ва безанишга тааллукли суннатлари

«Ҳадю Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам фи ибадатиҳи ва  
муъамалатиҳи ва ахлақиҳи» китобидан иқтибос

[ Ўзбекча – Uzbek – اُزبکي ]



Доктор Аҳмад ибн Усмон ал-Мазяд



Мутаржим: Абу Абдуллоҳ Шоший

# هدي النبي صلى الله عليه وسلم في الفطرة واللباس والهيئة والزينة

مقالة مقتبسة من كتاب "هدي محمد صلى الله عليه وسلم في عبادته ومعاملاته وأخلاقه"

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]



د. أحمد بن عثمان المزید

۲۰۱۸

ترجمة: أبو عبد الله الشاشي

## 23- Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламниң фитрат, кийим-кечак, ташқи күриниш ва безанишга тааллуқли суннатлари<sup>1</sup>

1- Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўп хушбуйланар, хушбўй нарсаларни яхши кўрар ва хушбўй нарсани рад килмай олар эдилар. Хушбўй нарсалардан энг яхши кўргани мушк-анбар эди.

2- Мисвок ишлатишни яхши кўрар ва рўзадор пайти ҳам, рўза тутмаган пайти ҳам тишлирини мисвок билан тозалар эдилар. Уйқудан турганда, таҳорат олаётганда, намоздан олдин ва уйга кираётганда мисвокланар эдилар.

3- У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам сурма қўярдилар ва айтардиларки: “Сурмаларингизнинг энг яххиси исмид-сурматошдир. У кўзни равшанлаштириб, киприкни ўстиради” (Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти).

4- У зот баъзан соч ва соқолларини ўзлари тараф, парвариш қилсалар, баъзан эса Оиша тараф, тўғрилаб қўярди. Сочларини олишдаги одатлари, ё умуман олдирмасдилар, ё олдирсалар ҳаммасини олдирап эдилар.

5- Ҳаж ва умрадан бошқа пайтлар соchlарини қирдириб олдирғанлари нақл қилинмаган. Соchlари ёндан қулоқни ёпадиган, орқадан елкага тушадиган даражада бўларди. Соchlари узун бўлганда қулоқ солинчакларини ёпадиган даражада бўларди.

6- Сочни бир қисмини олиб, бир қисмини қолдиришдан (яъни, кокил қолдириб соч олишдан) қайтардилар.

<sup>1</sup> Зодул-маод (1/167).

7- Айтдиларки: “Мушрикларга хилоф иш тутинглар, соқолни (ўз ҳолига қўйиб мўл) ўстиринглар, мўйлабни қисқартирганглар!” (Муттафақун алайх).

8- У зот имкониятида бўлган кийимни киярдилар. Баъзан жундан, баъзан паҳтадан ва гоҳида каттон (зифирпоядан тўқилган мато)дан бўлган кийим киярдилар. Кийимлардан энг ёқтирганлари қомис<sup>2</sup> эди.

9- У зот Ямандан келтирилган йўл-йўл тўн, яшил йўл-йўл тўн, жубба<sup>3</sup>, чакмон<sup>4</sup>, шалвар, изор, маҳси, калиш ва салла кийганлар.

10- Саллани бир қисмини иягининг остидан айлантириб ўрап, унинг печини, яъни бир учини эса баъзан орқага тушириб олсалар, баъзан шундай ташлаб қўярдилар.

11- У зот қора либос ва қизил ҳулла кийдилар. Ҳулла — ридо ва изордан иборат либосдир.

12- У зот кумуш узук тақдилар. Узукнинг кўзини кафтининг ички томонига қилиб тақардилар.

13- У зот янги кийим кийсалар, унинг отини (яъни, бу кўйлакни, чопонни, саллани деб) айтиб, шундай дер эдилар:

((اللَّهُمَّ أَنْتَ كَسُوتِي هَذَا الْقَعْدَصُ، أَسأْلُكَ خَيْرَهُ وَخَيْرَ مَا صُنِعَ  
لَهُ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّهِ وَشَرِّ مَا صُنِعَ لَهُ))

Маъноси: “Эй Аллоҳ, Сенга ҳамд бўлсин. Сен буни менга кийгиздинг. Мен Сендан унинг ва у унинг учун

<sup>2</sup> Қомис одатда паҳта толасидан тўқилган матодан тикиладиган узун кўйлакдир.

<sup>3</sup> Узун енгли, узун чопонсифат устки кийим.

<sup>4</sup> Енглари тор, ёриғи орқа томонида бўлган устки кийим бўлиб, Пайғамбаримиз уни кулаг ҳаракат қилиш мумкин бўлгани сабаб сафарда ва жангларда кийганлар.

яратилган нарсанинг яхшилигини (яъни, уни тоат-ибодатларда ишлатишни) сўрайман. Унинг ва у унинг учун яратилган нарсанинг ёмонлигидан (яъни, уни гуноҳ-маъсиятларда ишлатишдан) паноҳ тилайман” (Абу Довуд ва Термизий ривояти).

- 14- Кўйлагини ечишни ўнг томондан бошлардилар.
- 15- У зот оёқ кийим кийишларида, соч тараашларида, таҳоратларида, бирор нарсани олиш ва беришларида ўнг тарафдан бошлишни ёқтирас эдилар.
- 16- У зот акса урсалар, қўлларини ёки кийимларини оғизларига қўяр ва овозларини пастлатар эдилар.
- 17- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам парда орқасидаги (бировларнинг кўзларидан асралган) бокира қиздан ҳам ҳаёлироқ эдилар.
- 18- У зот кулгили нарсага кулар, аксар кулишлари эса табассум шаклида эди. Қаттиқ кулишлари озиқ тишлари кўринадиган даражада бўлар эди. Йиғлашлари кулишларига менгзар шаклда эди. Каҳакаҳа отиб кулмаганлари сингари баланд овозда, фарёд қилиб йиғламасдилар. Йиғлаганларида кўзларидан ёш оқар ва кўксларидан бикирлаган товуш келарди.

